O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 25-dekabr, chorshanba * № 52 (856) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

### ТИНЧЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Дипломатия санъати жуда нозик ва мураккаб бўлиб, уни эгаллаган давлат раҳбари ўз мамлакатининг шаъни-шавкати, сиёсий ҳамда иқтисодий манфаати, истиқболи ва келажаги йўлида кўзлаган мақсадларига эришади.



➩ 5-бет

### БАСТАКОРЛИК ЎҚИБ-ЎРГАНАДИГАН КАСБ ЭМАС

Ўзбек мусиқа оламида таниқли композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, давлат мукофоти совриндори Мустафо Бафоевнинг ўз ўрни бор. Яқинда бастакор ҳузурида бўлиб, унга бир неча савол билан мурожаат қилдик.



➩ 6-бет

### ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОИЙ ТИЛИНИНГ жаҳоншумул уч ғалабаси

Илмий жамоатчиликка яхши маълумки, Алишер Навоий туркийда, яъни ўзбек тилида етук асарлар ижод қилишдан иборат эстетик жараённинг, айни чоғда шарқона хамсанавислик (беш достондан иборат асар) анъанасини давом эттирган беназир сўз санъаткоридир.



➩ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✦ **19 декабрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Унда ташкилий масала кўрилди. Эшдавлат Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тайинланди.**

✦ 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

✦ **24 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) ратификация қилиш ҳақида» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2013 йил 9 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлари матбуотда эълон қилинди.**



**«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.**

## 2014 йил — Соғлом бола йили



J.Norqobilov (UzA) olgan surat

# ДУНЁДА БОЛАМ ДЕБ ЯШАЙДИ, ЎЗБЕК!

Жаҳон адабиёти хазинасига салмоқли асарлари билан катта ҳисса қўшган ёзувчи Чингиз Айтматовнинг "Охирзамон нишоналари" ("Кассандра тамғаси") романида иксзурриётлар тўғрисида сўз боради. Асар қаҳрамони, генетик олим Андрей Крильцов ўз лабораториясида ундирилган эмбрионлардан узоқ муддатга ҳукм қилинган маҳкума аёллар ёрдамида ана шундай иксзурриётларни яратади.

Бундай болалар ота-онаси, ака-укалари, умуман, бирорта қариндош-уруғи йўқ янги типдаги одамлар — келажакда ҳукмрон доиранинг дастёрларига айланиши керак эди. Кассандра-эмбрионларнинг йил сайин ортиб бораётгани, ёвузлик авж олиб, гуноҳи азимлар кўпаяётганига амин бўлгач, Крильцов ўз хатосини тушуниб етади...

Бугун ер юзи бўйлаб оммавий маданиятни ёқлаб, тарғиб этаётганлар, айрим Ғарб мамлакатлари (масалан, Франция, Англия, Голландия)да бир жинслилар никоҳининг қонунийлаштирилиши асосида қурилган оилаларда асраб олинаётган фарзандларнинг ўша иксзурриётлардан нима фарқи бор?! Маълумотларга қараганда, бундай йўл тутиш учун улар инсон ҳуқуқларини дастак қилаяптилар. Файласуф олимларимиз эса, аксинча, буни бола эркини поймол қилиш ҳисобига уни таъминлаш — антигуманизм, болага қилинган зўравонлик, деб баҳолашмоқда.

3 ▶▶

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

## Ватан хизматида бўлиш шарафи

Бу йил Моҳирабону биринчи синфга қадам қўйди. Илк дарс қизиқарли суҳбат-танишувдан бошланди. Ўқувчилар бирин-кетин ўз оиласи ҳақида сўзлаб берди. Навбат Моҳирабонуга келганда, у отаси ҳақида фахрланиб сўзлади: "Менинг дадам офицер. Формаси ҳам жуда чиройли". Ўқитувчи қизалоқнинг сўзларига изоҳ берди. Моҳирабонунинг дадаси ҳарбий экан. Барча болалар унга ҳавас билан қаради...



Дарҳақиқат, Баҳодир Умаралиев ўн уч йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий муассасалардан бирида шартнома асосида хизмат қилмоқда. У улғайиб, вояга етган хонадон ҳам бошқа оилалардан деярли фарқ қилмасди. Отаси агрономом, онаси эса ўқитувчилик касбидан қадр топган инсонлар.

Майор Баҳодир Умаралиев ўтган давр мобайнида ҳарбий касб сирларини пухта эгаллаб, намунали хулқи, билими, фидойилиги билан жамоада ҳурмат топган.

2 ▶▶

## «HURRIYAT» мустақил газетаси муштарийларига

*Ҳурматли муштарийлар, эътиборингизга газетанинг 2013 йилдаги сўнгги 52-сони ҳавола этилмоқда.*

*Қимматли вақтингизни, маблағингизни аямай, унга обуна бўлганингиз, ҳамкорлик қилганингиз учун Сиз азизларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз. Ўйлаймизки, халқимиз маънавиятини янада бойитиш, ўзликни англаш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан барчамиз бирдай баҳраманд бўлдик. Йил давомида минглаб газетхонлардан мактублар олдик, уларнинг мурожаатларини эътибордан қочирмасликка, мушкулини осонлаштиришга баҳоли қудрат ҳаракат қилинди.*

*"2013 йил — Обод турмуш йили" давлат дастурининг бажарилишини матбуотда мунтазам ёритиш жараёнида газетхонларни юртимизда халқ фаровонлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан таништириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳаётидан юзлаб фотосуратлар эълон қилинди. Ишбилармон тадбиркорлар, маҳоратли таълим ходимлари, тиббиёт жонкуярлари, маданият, спорт соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳақида туркум мақолалар, лавҳа ва очерклар чоп этилди. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмак берувчи рукнлар ташкил қилиниб, тегишли тавсиялар берилди. Долзарб мавзудаги муаммоли масалаларга жамоатчилик эътибори қаратилди. Уларнинг аксарияти беиз кетмади, албатта.*

*Қувонарлиси шундаки, кириб келишига саноқли кунлар қолган қутлуғ 2014 йил арафасида обуна ишларини ташкил этиш жараёнида аксарият муштарийларнинг ўз анъаналарига содиқ қолиб, "Hurriyat" газетаси билан яна мулоқотда бўлишни ихтиёр этганларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунинг учун сизлардан миннатдормиз. Келгуси йилда ҳам мамлакатимизда ОАВ учун яратилган барча имкониятлардан фойдаланиб, матбуотнинг очиқлиги, эркинлиги тамойилларига асосланган ҳолда, таҳририятда тўпланган бор тажриба ва маҳоратимизни ишга солиб, асосий эътибор сиз азиз муштарийларни қизиқтирган мавзуларга, сизларни ўйлантираётган муаммоларга, жамият тараққиёти учун тўсиқ бўлаётган масалаларга, мамлакатимизда фуқаролар фаоллигини оширишга хизмат қиладиган, соҳаларда эришилаётган муваффақиятлардан, дунё воқеаларидан хабардор этишга қаратилади.*

*Бунинг учун муштарийларимиз сафи янада кенгайиб бориши таҳририят ходимларига куч-қувват, ижодий кўтаринкилик бағишлайди. Гарчи йил якунланиб, обуна мавсуми ниҳоясига етаётган бўлса-да, кўнглингизда истак бўлса ҳали таҳририят билан тўғридан — тўғри шартномалашиб, обуна бўлиш имкониятига эгасиз. Шундай қилсангиз, имтиёзли чегирмалардан баҳраманд бўласиз.*

*Айрим сабабларга кўра, "Hurriyat" мустақил газетасига обуна бўла олмаган ўқувчиларимиз манфаатини кўзлаб, келгуси 2014 йил январь ойидан газетани барча матбуот тарқатувчи идораларнинг савдо дўконларига сотувга кўпроқ чиқарилиши ташкил этилганини маълум қилишдан мамнунмиз.*

*Марҳамат, харид қилинг, ўқинг ва ҳамроҳларингизга ҳам уни инъом этинг. Хонадонингизга олиб кираётган бир луқма ҳалол неъматлар қаторида ўзингиз, фарзандларингиз учун маънавий озуқа саналмиш газета олиб киришни ҳам унутманг!*

*"Hurriyat" мустақил газетаси мамлакатимиз мустақиллигининг сархил меваси, эркин сўз ва холис фикр намунаси сифатида ҳамиша сизнинг ҳамроҳингиздир.*

***Кириб келаётган 2014 йил барчангизга қутлуғ бўлсин!***

**Мурожаат учун телефонлар:**
236-75-15, 236-23-27, 233-36-02.

# ДУНЁДА БОЛАМ ДЕБ ЯШАЙДИ, ЎЗБЕК!

(Бошланиши 1-бетда.)

Дарҳақиқат, ота-онаси аниқ бўлмаган, қариндош-уруғчилик муносабатларига бегона, оиладаги меҳрни — ота ғамхўрлиги, ҳимояси, онанинг табиий-илоҳий тафтини ҳис этолмайдиган бола келажакда ким бўлиб етишади? Қайси қадриятларни қадрлаб, қандай урф-одатларни ёқлайди? Ўзининг асл табиатига ёт бўлган йўл — уни "тарбиялаган" (аслида буни тарбия деб бўлармикан?) икки отаси ёки икки онаси каби боши берк кўчани танламаслигига кафолат борми?! Бу инсонийликка зид, Яратганнинг илоҳий қудратига шак келтириш билан баробар.



UzA olgan surat

### БИЗГА ҲАВАС ҚИЛАДИЛАР

Шукурки, маънавиятни юксак қадрлайдиган, насл-насаби тоза болажон ўзбек халқининг ҳамма орзу-умидлари фарзандлар камоли билан боғлиқ. Ўзбекнинг тақдири азалдан шундай. Кўп узоққа бормай, иккинчи жаҳон уруши йилларида юртимизга кўчириб олиб келинган ўзга миллатларнинг 15 нафар етим боласини асраб олган биргина оилани ёдга олишнинг ўзи бунинг исботи. Халқимиз нафақат ўз боласи, балки меҳрга муҳтож ҳар қандай боланинг бошини силашга қодир. Шундай элнинг вакили бўлганинг учун шукрона айтмаслик мумкинми?!

Ўтган йилларда интернет саҳифаларида Ғарб аёллари номидан ёзилган мактубни ўқигандим. Унда Шарқ хотин-қизларига мурожаат қилиниб, оилавий бахт, тотувлик, бағрибутунлик фақат сизларда бор, биз бунга ҳавас билан қараймиз, деган мазмун бўлиб, ана шу бебаҳо неъматдан айрилиб қолмаслик учун қатъий туришимиз лозимлиги ёзилганди.

Дарвоқе, бугун мамлакатимизда ушбу қадриятларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ҳимоя қилинаётгани, оила, аёл, фарзандлар тақдири юксак даражада қадрланаётгани таҳсинга лойиқ. Мустақил республикамизнинг нафақат сиёсий-иқтисодий куч-қудрати, салоҳияти, балки маънавий қиёфаси ҳам дунё халқлари томонидан тан олинаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги Президентимиз маърузасини тинглаган, ўқиган ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ишлардан қалбида мамнунлик, ёруғ келажакка ишонч туйғуларини ҳис этиши табиий. Хусусан, 2014 йилнинг "Соғлом бола йили", деб эълон қилиниши ва бундан кўзланган асосий мақсад ўтган йилларда амалга оширилган эзгу ишларнинг давоми бўлибгина қолмай, юксак даражадаги эътибор ва ғамхўрлик намунасидир.

"Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз, — дейилади Юртбошимиз маърузасида. — Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда..."

Бу сўзларни маънавиятимизга таҳдид солаётган юқорида келтирилган ҳолатлар, шу билан бирга, терроризм, миссионерлик, ахборот хуружлари сингари дунёни бузишга қодир кучлардан фарзандларимизни асраш учун огоҳлик чорлови, деб қабул қилмоғимиз керак. Чунки маънавий соғлом, миллий қадриятлар руҳида тарбияланган инсонгина бундай хуружларни енгиб ўта олиши мумкин.

### МЕҲР-МУҲАББАТ — МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Соғлом боланинг туғилиши, ақлзаковатли, юксак маънавиятли бўлиб етишишида оила ва онанинг ўрни беқиёс. Яқинда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтган анжуманда ана шу ҳақда сўз борди. Унда сўзга чиққанлар таъкидлаганларидек, оила юксак инсоний қадриятларни, қариндош-уруғ, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар муносабатидаги энг яхши анъаналарни ўзида мужассам этгани учун ҳам эъзозланади. Ўзбек оиласи айнан мана шундай маънавий қадриятлар асосига қурилгани учун ҳам дунё халқларини ҳайратга солиб келаётир. Халқимиз бахт тушунчасини талқин қилар экан, аввало унда оилавий тотувлик, соғлом фарзандлар тарбияси, ота-она ва яқинларининг бирлигини тушунади. Демак, ҳар қандай шароитга карамай, маънавий-ахлоқий софлик, миллий-маданий қадриятлар устуворлик қилган оила ўз фарзандларини ҳам сабр, ҳам шукур, ҳам келажакка умид руҳида тарбиялай олади. Шунга ҳамоҳанг равишда мамлакатимизда қабул қилинаётган давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкамланиб бораётгани эътиборга моликдир.

Тадбирда баъзи оғриқ нуқталарга ҳам тўхталиб ўтилдики, бунга ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Айрим ҳолатларда оилавий ажралишларнинг сони ортаётгани, ота-оналик масъулиятини унутиш, фарзандлар тақдирининг ора йўлда қолаётгани ҳам сир эмас. Ота-боболаримиз азал-азалдан қуда бўлаётган оила аъзоларининг етти пуштини суриштириб, насл-насабнинг тоза бўлишига эътибор қаратишган. Бугун ҳам ана шундай олижаноб қадриятлар қадрини ўрнига қўя олаяпмизми? Фақат топиш-тутиши-ю, мансабига қараб қудаандачилик муносабатларининг боғланиши келажакда оила тақдирини ҳал қилиб беролмаслигини ҳамиша англаб етаяпмизми?

Тадбирда айтилган бир фикр барчанинг диққатини тортди. "Оила муҳаббат асосига қурилмоғи лозим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдукамол Раҳмонов. — Муҳаббатсиз оила саҳрога ўхшайди. Келажакда ундан ҳеч нарса униб чиқмайди". Депутат ўз сўзи давомида "Авесто"дан мисол келтириб, унда муҳаббат асосида оила қуриш ҳақидаги қайдлар борлигини таъкидлади. Демак, бундан 3000 йил илгари аждодларимиз томонидан қолдирилган ёзма ёдгорликлар орқали қадимда ҳам муҳаббат аталмиш муқаддас туйғу қадрланганини англаймиз.

Маълумки, соғлом бола тарбияси хусусида сўз бораркан, фикр оилага боғланади, оила тўғрисида гап кетганда эса, албатта, муҳаббатга бориб тақалади. Бугун, афсуски баъзида, эъзозга лойиқ бундай туйғуларнинг баҳосини ўрнига қўёлмаяпмиз. Моддий ҳаёт, шахсий манфаат, худбинлик инсоний туйғулардан устун келаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Меҳрибонлик уйларида, кўча-кўйда қолиб кетаётган болалар ана шу меҳрсизликнинг меваси эмасми?! Аслида, ривоятлардан бирида айтилгани каби дунёдаги энг ширин неъмат фарзанд эмасми?!

Руҳшуносларнинг фикрича, бир кунда камида 8 та меҳрли сўз эшитиб улғайган бола келажакда иймон-эътиқодли, меҳр-оқибатли, умуман, мукаммал инсон бўлиб етишаркан. Модомики шундай экан, ўз луғатимизни шу каби сўзлар билан бойитиш, фарзандларимизни руҳлантириб бориш — бу биздан кўп нарса талаб қилмайди. Тақдири ора йўлда қолиб ўсган боладан эса келажакда меҳр-оқибат кутишнинг ўзи ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди. Яна бир томони, мутахассисларнинг бу маълумотларидан кўпчилик хабардор бўлмаслиги мумкин. Демак, оилада вақти-вақти билан руҳшунослар маслаҳатларига таяниб иш юритиш, мактаб ва боғчаларда уларнинг фаолиятини кенгайтириш зарурга ўхшайди.

### ҚАЛДИРҒОЧЛАР ИН ҚУРСИН АЙВОНИНГИЗГА...

Болалигимизда кўклам чоғи пешайвонда қалдирғочлар чарх уриб, ин қуришга шайланаётганини, хас-хашак ташиётганини ҳайрат билан кузатардик. Онажоним ҳар баҳорда бир гапни такрорлардилар: уйимизга файз бўлиб, хуш келибсан, қалдирғоч! (улар ин қурган уй файзли саналаркан). Полапонларини эсон-омон учирма қилиб олсин, озор берманглар, дердилар. Отам эса мушуклардан эҳтиёт қилишимиз кераклигини уқтирардилар.

Хуллас, пешайвонми, ошхонами қанчалик кўрки бузилмасин оғринмасдик. Ҳа, қушнинг ҳам уяси бузилмасин, дейдиган бағрикенг халқнинг фарзандларимиз. Бу ҳақиқатни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ногаҳон тухуми ерга тушиб, чилпарчин бўлганда қалдирғочларни кузатганмисиз? Шундай дамда улар безовталаниб, шу қадар чарх урадики, буни ҳеч бир инсон хотиржам кузатолмаса керак.

Шу ўринда бир қариндошим айтиб берган воқеа ёдга тушди.

"Бир сигиримиз бўларди, — дея гап бошлаганди ўшанда у. — Ғалати одати бор эди: мўрагани-мўраган, жағи тинмасди. Бир куни, бузоқчаси янги туғилган пайтлар иковини молхона орқасидаги офтобрўяга боғлаб қўйдик. Тушлик маҳали сувини, ем-хашагини бериб, бошқа ишлар билан овора бўлибман. Кечгача тинмай мўради. Ҳар доимги одати-да, дедиму эътибор бермадим. Кечга яқин сигирни соғиш учун бордим-да, бўғидан бўшатишим билан шунақанги титраб, дилдираб боласи томон талпиндики, ҳайратда қотдим. Қарасам, бузоқча ипига ўралиб бўғилиб ўлиб қолган экан. Тасаввур қилинг, бу она сигирнинг кўз ўнгида рўй берган. Чорасиз жониворнинг бутун танаси тинмай титрар ва жонсиз боласини ялаб-юлқарди. Бу ҳолдан даҳшатга тушдим. Нима қиларимни билмай, гўё юпатмоқчи бўлиб, унинг титраётган баданини силай бошладим. Кошки шу билан таскин бериб бўлса... Шундан сўнг бир неча кун ўзимга келолмай юрдим. Қаранг-а, шу тилсиз жониворга ҳам бола ширин экан-да. Агар тили бўлганда, ким билади нималар деб фарёд қиларди?! Одамдан бошқа жонзотда меҳр, ҳис-туйғу бўлмайди, деган гап бекорга ўхшайди".

Биз инсонлар эса меҳрни ўйинчоқ билиб, ўз зурриётимизни болалар уйида қолдириб кетаверамиз. Боланинг жавдираган нигоҳлари ҳам тош юрагимизни эритолмайди. Ўз ҳузур-ҳаловатимиз, "мен"имиз устун келиб, отасиз ё онасиз ўсишига сабаб бўламиз. Ўрни келганда, юқоридаги каби ҳолатлардан сабоқ чиқаришимиз лозимга ўхшайди. Бундай вазиятлар мудраб ётган туйғуларимизни уйғотиб, йўл қўйган хатоларимиз учун виждонимиз олдида юзимизни қизартирса ажаб эмас.

Қиссадан ҳисса шуки, лоқайдлик, меҳрсизлик, оилага, Ватанга, қолаверса, ўз виждонига нисбатан хиёнатни кечириб бўлмайди. Бугунги кун хатоларимизни санаб, бош эгиб, жимгина қўл қовуштириб ўтирадиган давр эмас. Замон шиддат билан илгарилаб бормоқда. Мен қачон ортимдан ёруғ из қолдираман, деган савол огоҳлик қўнғироғи бўлиб, доимо бизни ҳушёр торттириб туриши лозим. Ваҳоланки, бунга тўла имконимиз, шарт-шароитимиз, тоғдай суяб турган Ватанимиз бор.

Бугун қабул қилинаётган дастурлар, ўзини оқлаб келаётган тараққиёт йўлимиз моҳиятини тўла-тўкис англаб етишимиз, бир иморатга бир ғишт қўйиб бўлса-да, ана шу эзгу ишларга ҳисса қўшмоғимиз даркор. Энг муҳими, келажак авлод камолоти давлатимиз сиёсатининг диққат марказида турган бир пайтда, фарзандлар тақдирига бефарқ бўлиб, хато қилиб қўймайлик. Токи, бу хато йиллар ўтганда аччиқ иқрор бўлиб, қалбимизни ўртамасин.

Бугун ўз интеллектуал салоҳияти билан жаҳон саҳналарини забт этаётган ёшларни кўриб ҳавас қиламиз. Шулар қаторида бўлиш фарзандларимизга насиб этса ёки Ватаннинг қай бир корига яраса, бу бизнинг бахтимиз, ғуруримиз, берган нон-тузимизни оқлагани, эл-юрт олдида юзимизни ёруғ қилганидир. Ота-она учун бундан ортиқ ҳузур-ҳаловат борми?! Юқоридаги барча фикрлардан хулоса шуки, меҳр-муҳаббат қалбларимизни тарк этмасин, айвонимизда қалдирғочлар ин қуриб, хонадонимиз файзга тўлсин, бағрибутун оилаларда соғлом болалар камол топсин...

**Холида ФАЙЗИЕВА,**
**«Hurriyat» мухбири**

---

**Қарор ва ижро**

# ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Маълумки, тил билган дунё кезади, дўстлар орттиради, ҳамкорлар топади. Бугун шуни қувонч билан айтишимиз мумкинки, униб-ўсиб келаётган ёшларимизда хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш ниҳоятда катта. Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кенг қамровли таълим ислоҳотларининг узвий давоми бўлди.**



UzA olgan surat

Шунингдек, ёшларимизнинг хорижий ахборот ресурсларидан тўлақонли фойдаланишлари ва уларнинг келажакда халқаро ҳамкорликларни янада кенгроқ йўлга қўйишлари учун пухта замин яратди. Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор фарзандларимиз учун жуда катта имкониятдир. Унда чет тили ўқитишнинг барча жиҳатлари қамраб олинган. Бугунга қадар мактабларда чет тили фани 5-синфдан бошлаб ўқитиларди. Натижада ўқувчиларнинг ўзлаштириши кўнгилдагидек бўлмасди.

2013-2014 ўқув йилидан эътиборан хорижий тилларни ўргатиш 1-синфларда турли қизиқарли ўйин ва оғзаки нутқ машғулотлари шаклида, 2-синфдан эса алифбо ўқиш ва содда грамматик қоидаларни ўрганиш билан бошланиши айни муддао бўлди. Ўқувчилар бошланғич синфларда чет тилини оғзаки нутқ орқали ўрганиб борса, кейинчалик грамматикани яхши ўзлаштиради.

Мазкур қарор биз чет тили фани ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди, албатта. Эндиликда биз малакамизни оширишимиз, ўқувчиларнинг хорижий тилларга бўлган қизиқишларини янада орттириш, дарсларни пухта ўзлаштиришлари учун янги педтехнологиялардан, ўқув қўлланмаларидан фойдаланишимиз керак. Бу борада доимий ўтказиладиган семинар-тренингларда қатнашаётганимиз бизга қўл келаяпти. Ўқувчиларни дарс давомида бутун эътиборини жалб этиш, қизиқтириш осон эмас. Айни пайтда дарс жараёнида зарур ўқув қуроллари ёрдамида машғулотлар олиб боряпмиз, ўқувчилар эса ана шу фойдаланилаётган буюмларнинг номини инглиз тилида айтиб беришади. Бундай машғулотлар ўқувчиларни фикрлаш, жумла тузиш қобилиятини оширади ва нутқини чархлайди. Дарвоқе, тилни ўрганишда кўпроқ сўзлашувга эътибор бериш керак. Бу орқали ўқувчи ҳам сўзларни, ҳам гарамматикани, асосийси, тўғри ва равон гапиришни ўрганади. Шу билан бирга, чет тилини ўрганишда замонавий ахборот технологияларининг ўрни муҳим. Дарс вақтида мультимедиа воситаси орқали мавзуга оид видео ва аудио лавҳалар намойиш этилиб, жонли мулоқот ўтказилса, сўзлар тўла талаффуз қилиниб, лингофондан фойдаланилса, яхши самара беради. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг сўзлашув тилини янада ривожлантириш учун кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар билан имкон қадар жонли мулоқотлар ўтказишга алоҳида эътибор беряпмиз. Бу ёшларнинг тилни янада яхшироқ, мукаммалроқ ўрганишларида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, чет тилини ўрганиш давр талабидир.

**Дилором ЮНУСОВА,**
**Самарқанд тиббиёт институти қошидаги 1-сон академик лицей инглиз тили ўқитувчиси**

---

**Қонун ва ҳаёт**

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

**Давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бевосита ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ давлатимиз Конституциясида алоҳида модда билан мустаҳкамлаб қўйилган. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида эса тегишли муассасаларга мурожаат этиб, қониқарли жавоб олишнинг ҳуқуқий асослари батафсил белгилаб берилган. Ҳамюртларимиз турмушида учраб турадиган муаммоларини ҳал этишда ундан кенг фойдаланмоқдалар.**

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш борасидаги тажриба шуни кўрсатадики, ўз вақтида жиддий муносабат билдирилмаган ҳар бир сўров, ариза ёки шикоят навбатдагисига йўл очади. Чунки тегишли идорага дардини айтиб, кўмак сўраб келган киши, табиийки, бу жойда ўтирган ваколатли шахсдан амалий ёрдам кутади. Мавжуд тартиб-қоидаларга кўра, бундай пайтда фуқаронинг қонуний мурожаатига ўз вақтида, малакали муносабат билдирилмоғи шарт. Мазкур йўналишдаги ишни самарали ташкил этиш учун давлат ва ҳокимият идоралари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, бошқарувнинг барча тизимлари, шунингдек, жамоат ташкилотларида раҳбарлар қабули, ижро назоратини қатъий йўлга қўйиш талаб этилади.

Туманимизда ҳам юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш масаласига фаолиятнинг энг муҳим, устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Жойларда ушбу қонун талабларининг бажарилиши қатъий қилиб қўйилаётганлиги аксарият мурожаатларнинг жойида, белгиланган муддатда ҳал этилишини таъминламоқда. Бу, ўз навбатида, бошқарув идораларини омма билан янада яқинлаштириб, ўзаро ишончни мустаҳкамлаётир.

Мурожаатлар бўйича ариза ва шикоятларнинг тўғри ҳал қилиниши кўп жиҳатдан фуқаролар қабули изчиллигини таъминлаш, раҳбар томонидан ҳузурига амалий ёрдам сўраб келган кишининг дардига шерик бўла билиш билан боғлиқ. Бироқ ана шу оддий ҳақиқат унутилган баъзи жойларда сансалорликка йўл қўйилмоқда. Баъзида расмий жавоб билан қутулишга ҳаракат қилинади. Айрим ўринларда эса маҳалланинг ўзида ечимини топиши мумкин бўлган масаланинг ҳал этилиши юқори идораларгача етиб бораётган ҳоллар ҳам учраяпти.

Барча соҳада бўлгани каби фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда ҳам кун тартибида турган масалани тўла-тўкис ҳал этиш, аниқроқ айтганда, уни охирига етказиш асосий мезон ҳисобланади. Мана шу шарт унутилган ёки қабулга келган фуқародан «эвини қилиб» вақтинча қутулиш афзал билинган жойда масала янада мураккаблашади ва бу ўз навбатида такрорий мурожаатга йўл очади. Афсуски, шундай ҳолларда юқори идораларга такрорий ариза ва шикоятлар юборилаётир.

Туманимизда юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси, бу соҳадаги ишларнинг аҳволи таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқилди. Масаланинг атрофлича муҳокамаси натижасида мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олдик. Улар ижроси эса, барчамизни фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш борасида олдимизга қўйилган талаб ва вазифаларни янада мукаммал бажаришга сафарбар этади.

**Худойберди ҚОДИРОВ,**
**Зафаробод тумани прокурори**

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаларининг "Hurriyat" газетаси таҳририятида амалиёт ўташлари йўлга қўйилганига анча бўлди. Яқинда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ маҳорат мактаби ташкил этилди. Мақсад — журналист талабаларнинг олий илм масканида олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлаш, мустақил иш бошлаш арафасида ўзларида ишонч туйғуларини ҳосил этиш, таҳририятларнинг талабаларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Қуйида таҳририятларда амалиёт ўтаб қалами чарх кўрган талаба-журналистларнинг турли мавзудаги ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола этамиз.

*Таҳририят*

**Маҳорат сабоқлари**

# САМОДА ҲАМ ПОРЛАГАН «САМАРҚАНД»



Очиғи, аниқ фан билан шуғулланувчилардан кўра бирор ёзувчи ҳақида ёзиш анча осонроқ. Чунки фан кишисининг ўй-мулоҳазалари адабиётчиларники каби ниҳоясиз эмас, улар билан хоҳлаган мавзуда суҳбатлашишнинг ҳам имкони йўқ. Сабаби аниқлик ҳукм сурган жойда ортиқча муболаға-ю, ташбеҳларга ўрин қолмайди.

Фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз қўлида ҳам фақат аллома Фитрат орзусидаги ўзи кашф қилган "Мирриҳ юлдузи" ва бошқа фазовий сайёралардан қанча узоқликда жойлашгани ҳақидаги аниқ ҳисоб-китоблар битилган қўлёзмалари бор, холос. Бобокалонимиз Мирзо Улуғбек илк бор "сирли осмон тоқига нарвон қўйганидан" буён неча аср ўтибдики, авлодларнинг кўзи тубсиз коинотга умид билан боқади.

Қашқадарёнинг Китоб туманида таваллуд топган замондошимиз Баҳодир Ҳафизов шундай бир кашфни амалга оширдики, очиғи, бутун дунёнинг самога кўз тикиб турган телескоплари, ёнида турган мутахассислар билан ғафлатда қолди. Бу топилманинг ўзаги узоқ йиллар мобайнида зарралардан жамланиб келаётган бўлса-да, унинг бирдан дунё оммасига ошкор этилиши кўпчилик учун кутилмаган ҳодиса бўлди.

Баҳодир Ҳафизов дастлаб ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олган. Кейинчалик у Ўзбекистон Фанлар академияси Мирзо Улуғбек номли астрономия институтининг Китоб кенглик станцияси — Майданак обсерваториясига кузатувчи сифатида ишга қабул қилинган. У ҳар куни бепоён само бағрини иштиёқ билан Марказий Осиёдаги энг йирик камерали бош телескопда томоша қиларди. 2007 йилнинг осуда тунларидан бирида ҳамкасби Алексей Сергеев билан телескоп мониторида турғун юлдузлар фонида тез ҳаракатланаётган бир осмон жисмини илғашди. Узоқ вақт кўз тикиб ўша жисмни ўрганишди. Унинг координатларини ва тахминий орбитаси элементларини аниқлаб, ўз дафтарларига қайд этиб боришди. Шу пайтгача ўзларига номаълум бўлган бу жисм ҳақидаги маълумотларни тўплаб, ЎзРФА Астрономия институтига юборишга қарор қилишди.

Академия мутахассислари учун бу кутилмаган янгилик эди. Улар икки самошунос тўплаган маълумотларни маслаҳат олиш мақсадида АҚШдаги Гарвард кичик сайёралар марказига жўнатишди.

— *Ўша кезлари ушбу осмон жисмини ҳақиқатдан ҳам янги кичик сайёра деб хулоса чиқаришга эрта эди*, — дея хотирлайди Баҳодир ака. — *Чунки дастлабки ҳисоб-китоблар ушбу кичик сайёранинг қуёш атрофида айланиш даврини тахминан 4 йил деб белгилаган эди. Бу эса унинг орбитасини тўлиқ аниқлаш учун кузатишларни тақозо этади, деганидир. Бизга тобора ойдинлашиб бораётган сайёра яна 2 йил давомида узлуксиз кузатув остида бўлди. Натижа эса унинг осмондаги координаталари ва орбитаси элементларини юқори аниқликда топиш билан якунланди.*

*Ниҳоят, 2009 йилда ғалвир сувдан кўтарилди. Гарварддаги Халқаро кичик сайёралар марказидан биз аниқлаган осмон жисми янги кичик сайёра эканини ва у халқаро каталогда 210271 рақами билан қайд этилгани тўғрисида хушхабар келди.*

Улар амалга оширган кашфиёт ҳақиқатдан ҳам дунёдаги бармоқ билан санарли изланишлардан бири эди. Унгача бепоён коинотда Ўзбекистон номини билдириб турган бештагина кичик сайёра мавжуд бўлиб, булар: "Ўзбекистония", "Авиценна", "Улуғбек", "Беруний" ва "Хоразмий" номи билан аталарди. Халқимиз учун бу воқеа Колумб Американи кашф этгани сингари ифтихорли эди.

Ўзбекистон олимлари орасида илк бор кашф этилган ушбу кичик сайёрага давлатимиз раҳбари таклифи билан дунё астрономия фанининг бешиги бўлмиш Самарқанд номи берилди.

Дарҳақиқат, она заминимизда дунё аҳли томонидан тан олинган Самарқанднинг буюк номи том маънода коинотга ҳам кўтарилди. Бу ҳеч бир шоирона ташбеҳларсиз, соф илмий изланишлар натижасида юзага келган ҳодиса эди. Энди ҳар гал осмонга қараганингизда чин дилдан имон келтирингки, самода порлаб турган саноқсиз юлдузлар аро сиз-у, бизнинг митти юлдузимиз бор ва у абадий порлаб туради...

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзМУ магистранти**

# ИСМ ҚЎЙИШ МАДАНИЯТЛИЛИК БЕЛГИСИ

Чақалоқ бугун ёруғ оламни кўрди. Ота-онанинг шодликлари олам қадар чексиз. Бундай кезларда ҳар қандай инсон янги меҳмоннинг узоқ умр кўришини, келажакда улғайиб, оиласи ва юртига садоқатли фарзанд бўлишини тилайди.

Одатда боланинг 2-3 кунлигида унинг отаси ё яқинларидан бирига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома топширилади. Болага олдиндан исм танлаб қўйилган бўлса-ку, нур устига аъло нур. Бордию, бунинг акси бўлса... кимдир исмлар жамланган китобга юзланса, яна бошқалар таниш-билишларига маслаҳат солади. Тезкор замонанинг ҳавосидан нафас олган баъзилар эса энг тезкор усулни қўллашади: интернетга қидирув беради. Қарабсизки, дунёдаги барча исмлар рўйхати қўлида.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидаги маълумотларга назар ташласак, *исм, от — боланинг туғилгани қайд этилаётганда унга бериладиган ном.* Исм ҳар бир инсонни оилада, маҳалла, жамоада таниб олишга имкон беради. Одатда чақалоққа исмни ота-онаси, қариндош-уруғ, оиладаги кексалар танлайдилар. Болага қандай исм қўйилиши эстетик ва этик тамойиллар, исм танловчиларнинг орзу-истаклари, дунёқарашлари, миллий хусусият ва бошқалар билан бевосита боғлангандир.

Қадимдан болага исм қўйишда диннинг таъсири, айниқса, кучли бўлган. Христианлик вужудга келиб, монотеистик динга айланганидан кейин Инжилдаги пайғамбарларнинг исмлари жаҳондаги кўпгина халқларда оммавий исмларга айланди. Ислом динининг тарқалиши эса Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбекларда бу дин тушунчалари билан боғлиқ исмларнинг кўпайишига олиб келди. Халқимиз Қуръони Карима тилга олинган Оллоҳнинг гўзал исмларини, Муҳаммад (с.а.в)нинг номларини ўз фарзандларига қўйишни одат қилди. Хуллас, ҳар бир исм муайян сабаб билан пайдо бўлиб, ўзининг тарихи, географик тарқалиши, ҳудуди ва мазмунига эга. Шунингдек, мусулмон оилаларда исм билан боғлиқ алоҳида маросимлар ўтказиб келинади.

— Биз турмуш ўртоғим билан туғилажак фарзандимизга олдиндан мўлжаллаб юрган исмлардан бирини қўйганмиз, — дейди Гулноза Эркинова. — Ўғлимга исм беришда ғалати воқеа содир бўлган. У дунёга келишидан сал аввал опам ўғил кўрди. Поччам эса биз қўймоқчи бўлган исмни ўз фарзандига қўйишни ният қилган экан. Албатта, биз бунга қаршилик қилмадик. Опам ва поччам ўғлига Жаҳонгир деб, биз эса Шоҳжаҳон дея яхши ниятлар билан исм қўйдик. Ўйлайманки, ота-она учун фарзандига яхши исм танлашдек масъулиятли иш бўлмаса керак. Биз, ота-оналар фарзанд келажагини ўйлаган ҳолда четдан кириб келаётган турли исмларни қўйишдан олдин пухта мулоҳаза юритиб, боланинг униб-ўсишини назарда тутиб, ўзимизнинг пурмаъно ва қадимий исмларни жигарбандларимизга қўйсак, миллийлигимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ўз аксини топади.



— Чақалоққа исм танлаш ва унинг маъносига эътибор бериш ҳар бир ота-она зиммасидаги масъулиятли вазифа ҳисобланади, — дейди ҳуқуқшунос Жавоҳир Тўраев. — Боланинг ҳуқуқий мақоми унга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёзишдан бошланади. Амалдаги қонунларга биноан болага исм ота-онанинг келишувига биноан қўйилади, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари буни ҳисобга олишга мажбур. Болага исм қўйиш ота-она ўртасида келишув бўлмаса, мазкур низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан бола, шунингдек, ота-онасининг манфаатларини эътиборга олиб ҳал этилади. Бола исмини ўзгартириш тартиби Оила кодексининг 70-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола 16 ёшга тўлгунга қадар бола манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга ҳақли. 10 ёшга тўлган боланинг исмини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Сўнгги вақтларда миллатдошларимиз орасида Алия, Тамилла, Месси, Брюсли, Марадона каби исмларнинг урфга кириб бораётганининг асосий сабаби айрим юртдошларимизнинг хорижликлар таъсирига тушиб қолаётганидан далолат беради. Ўзимизнинг тарихий исмларни қайси чет эл фуқаросида учратгансиз? Нима, Месси исм эмасми? Ёки замонавий исм қўйишнинг айби борми, дерсиз. Сиз ҳақсиз! Фарзандингизни бирор хорижликнинг исми билан аташингиз ўз ихтиёрингизда. Аммо ўзбек ўз фарзандини ғарбона исмлар билан номласа, боз устига бу ишидан ўзича фахрланса, ўзлиги, айниқса, фарзандлари устидан кулишдан бошқа нарса эмаслигини ҳам англай олишга салоҳияти етармикан?!

**Озода ЯХШИЕВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 2-курс талабаси**

# РЕКЛАМА ҲАҚИДА ФИКР

Истаймизми-йўқми, бирор товарни харид қилишда ёки хизматдан фойдаланишда рекламага таянамиз. Чунки реклама бизга нимани кийиш, нимани истеъмол қилиш, пулларимизни қайси банкда сақлаш, ҳатто қайси ўйинчоқни харид қилишни ҳам ўргатади. Эндиликда бу воқелик истеъмолчилар учун ҳам қимматли маслаҳатчи, ҳам қудратли диктатор сифатида ўз мавқеини ошириб бораётир.

Эътибор берилса, рекламанинг барча турлари таклиф этилаётган товарларнинг камчилигини яшириб, афзаллигини ошириб кўрсатади. Зеро, реклама моҳиятан юридик ва жисмоний шахслар, товар ҳамда хизматларга бериладиган баҳодир. Айни мана шу жиҳат рекламанинг психологик моҳиятини тўлиқ очиб беради. Ўз навбатида рекламани яратиш технологияси, ижодий ғоялар, руҳий таъсир воситалари эса фақат ёрдамчи компонентлар вазифасини бажариб, реклама яратувчи истагига кўра вақти-вақти билан ўзгариб туриши мумкин. Реклама ижодкори харидор эътиборини тортиш мақсадида ғайриоддий образ ва матнлардан, ўзига хос шрифтлардан, ранг ва шаклларнинг ноодатий уйғунликларидан, техника ютуқларидан фойдаланиши мумкин. Бироқ бундан рекламанинг психологик моҳияти ўзгармайди. Хоҳ ошкора бўлсин, хоҳ яширин, ижобий баҳо рекламанинг асл негизи бўлиб қолаверади.

Ижобий баҳо эса турли шаклларда намоён этилади: бу телевизион лавҳа, газетадаги мақола ёки эълон, бино деворидаги плакат, оғзаки мурожаат, нутқ кўринишида берилиши мумкин. Аммо қандай шаклда ифодаланишидан қатъи назар, реклама доим ўзи таклиф этаётган товар ҳамда унинг истеъмолчисини фақат яхши томондан тавсифлайверади. Баъзида реклама ижодкорлари ҳазиломуз сюжет ва матнлардан ҳам фойдаланишади. Лекин ушбу ҳазиллар товарнинг ва истеъмолчининг қадр-қимматини ерга урмайди. Акс ҳолда реклама на иқтисодий, на руҳий жиҳатдан бирор самарага эга бўлмайди, унга сарфланган маблағ эса реклама берувчига кутилган фойдани келтирмайди.

Рекламанинг бирламчи психологик вазифаси истеъмолчи диққатини жалб қилишдан иборат. Бироқ рекламанинг психологик мақсадлари фақат шундангина иборат эмас. Аввал истеъмолчи диққатини қозонган реклама кейинчалик унда реклама объектига нисбатан кучли қизиқиш ҳиссини, эҳтиёжни уйғотиши ҳамда уни харидга чорлаши лозим. Бугун тарқатилаётган реклама ахборотининг аксар қисми ўз аудиториясини топмоқда.



Рекламанинг бир шаклини иккинчисидан устун қўйиш нотўғри бўлади. Сабаби, бу борада ҳар жиҳатдан мукаммал, универсал ахборот ташувчини топиш мушкул: ҳар бир восита ўз ютуқ ва камчиликларига эга. Реклама ахбороти ташувчилар орасида аудиовизуал ОАВ, айнан радио ва телевидение таъсирининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларда кенг қўлланиладиган визуал ва вербал ифода томошабин ёки тингловчига эстетик завқ бериш билан бир қаторда унинг онг остига муайян даражада буйруқ беради, кишида реклама қилинаётган маҳсулот ёки хизматга нисбатан эҳтиёж уйғотади. Бу борада радиореклама вербал воситаларга таянса, телевизион рекламада улар визуаллашади, яъни овоз ва тасвир уйғунлиги кузатилади. Шунга кўра, теле ва радиорекламалар ўз композицияси жиҳатидан фарқланади.

Оммавий ахборот воситалари орасида қамровининг кенглиги, оммабoплиги билан ўз ўрнига эга бўлган радио ўз маҳсулот ёки хизматларининг арзон, бироқ самарали рекламасини таъминламоқчи бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун катта имконият яратади. Чунки матбуот саҳифалари, телевизион экран, баннер ҳамда интернет сайтларида бериладиган реклама ахбороти аксар ҳолларда эътибордан четда қолиши мумкин. Аудитория кўпинча уни томоша қилишни истамаганидан каналларни ўзгартиради. Босма, ташқи ва тармоқ рекламалари эса баъзан эътибордан четда қолиб кетади. Радиоприёмнигини бир тўлқинга созлаб олган инсон эса ўрганган радиостанциясини фақат реклама берилаётгани учун ўзгартира олмайди. Шундай экан, у ўз хоҳишидан қатъи назар, реклама ахбороти билан танишишга мажбур бўлиб қолади.

*Радиорекламада теша тегмаган жумлалардан фойдаланиш муваффақият гарови саналади. Бироқ баъзан ижодкорлар барча учун таниш, қулоққа ёд бўлиб кетган хитоб, гап-сўзларни ҳам қўллашади. Бу эса ролик самарадорлигининг ошишига хизмат қилади. Масалан, "Келинлар қўзғолони" спектаклида Эркин Комилов яратган қаҳрамони тилидан айтилган "Внимание! Внимание!", ("Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради" фильмидаги "Исм-шарифлари?..", "Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги "Вой тиниб-тинчимаган одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я!.." каби жумлалар киши хотирасида севимли фильмлар сюжетини жонлантиради, илиқ кайфият уйғотади. Бу эса рекламанинг барча турлари учун умумий бўлган кўтаринкилик бағишлаш вазифасининг амалдаги ифодасидир. Мазкур жиҳат ролик қаҳрамонларига ҳам хос саналади. Жумладан, бир неча йиллар олдин мамлакатимиздаги йирик интернет провайдерларидан бири — TPS ўз тўлов карталари рекламасида ўша пайтда машҳур рус мультфильми қаҳрамонларидан бири — Масяня (*анимацион фильм, сўнгроқ эса компьютер ўйинлари қаҳрамони. Кўча лексикаси, сленг, адабий тил меъёрларининг бузилиши каби ҳодисалар Масяня иштирокидаги мультфилмлар учун хос саналган*) нинг овозидан фойдаланади. Бу бир томондан самарали усул, бироқ мазкур мультқаҳрамон компьютер технологиялари, анимацион фильмлар соҳаси вакилларигагина таниш. Аммо ўзбек аудиториясининг аксарият қисми ушбу мультфильмдан бехабарлиги боис овози, сўз услубидан реклама қаҳрамонини таниб олиши қийин бўлди.*

Юқорида билдирилган фикрлар асосида самарали радиорекламанинг уч вербал компонентини алоҳида эътироф этиш лозим. Булар жозибали (таниш ёки ёқимли) овоз, мусиқа (жўшқин, кўтаринки тароналар) ва товуш эффектлари. Улар мусиқа ва овоз таъсирчанлигини ошириб, тингловчи диққатини тортади. Мана шу унсурларнинг ўзаро чамбарчаслиги реклама ахборотининг оммага етиб боришини таъминлайди.

Телевизион рекламада эса бундай компонентлар занжири ахборотни визуаллаштириш имконияти боис ТАСВИР омили билан кенгаяди. Шу ўринда инсон умри давомида қабул қиладиган ахборотнинг 90 фоизи кўз орқали қабул қилиниши ҳисобга олинса, телевизион роликларни энг самарали реклама ташувчилар сифатида эътироф этиш мумкин. Бу борада эса телерекламада фаол қўлланадиган визуал эффектларнинг психологик таъсир хусусиятларига тўхталиш жоиз.

Юқорида таъкидланганидек, бугун реклама фаолияти фақат савдо двигателигина эмас, балки маълум маънода санъат, бадиий ижод қонуниятларига бўйсунувчи жараён ҳамдир. Шу боис уни адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат кабилар синтези, бирлашувидан пайдо бўлган феномен, оммавий маданият тури дея аташ мумкин. Рекламада қўлланадиган барча унсурлар бевосита инсон онгини эгаллашга қаратилган. Телереклама роликлари сюжет композицияси, ундаги мусиқий фон, ранглар гаммаси, қаҳрамонлар қиёфаси — буларнинг бари ана шу мақсадни амалга оширишдаги муҳим омиллардан саналади. Агар бу занжир ҳалқаларининг бирортаси реклама яратувчи эътиборидан четда қолса, унинг ижод маҳсули кўзланган натижани бермайди.

Масалан, миллий телеканаллар орқали "айлантирилган" "Finland" сарёғи рекламасини таҳлил қилсак. Ҳойнаҳой, барча "Ҳақиқий Европа сифати! "Даҳшат мазали!" дея хитоб қилганча сарёғ сурилган нонни иштаҳа билан еяётган "амаки"ни эслаган бўлса керак. Реклама ижодкорлари оригинал, юморга йўғрилган ифодадан фойдаланишга уринган бўлса-да, мазкур ролик кўп сонли аудитория меҳрини қозона олмади. Нега? Чунки "Finland"чилар товар қиёфасини танлашда хатога йўл қўйишган. Аксарият истеъмолчилар, айниқса аёллар, юқори калорияли маҳсулот бўлмиш сарёғ тановулида меъёрдан ошмасликка ҳаракат қилишади. Чунки мазали бутербродлар ортиқча вазн билан боғлиқ нохуш муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу маънода сарёғ рекламаси учун тўладан келган қаҳрамоннинг танланиши аёлларнинг қадди-қомат борасидаги хавотирларини уйғотади. Одатда, енгил тамадди учун маҳсулотлар хариди айнан оила бекалари зиммасига тушишини инобатга олсак, "Finland" сарёғини уларда ортиқча килограммлар ҳақидаги ваҳималарни эмас, балки ҳавас уйғотадиган қиёфани реклама қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хусусан, "Donna" сарёғи реклама роликининг муваффақияти айнан шу омил билан боғлиқ. Бунда ижодкорлар дастлаб невараси билан чой ичаётган нуроний бобо, сўнг эса тонгда оиласи, фарзандлари учун елиб-югуриб нонушта тайёрлаётган ёш она образини аудиторияга тақдим этдилар. Ролик омма томонидан илиқ кутиб олинди. Дарвоқе, бугун намунали оила мавзуси кўпгина товарлар рекламасида учрайди. Жумладан, "Сочная долина", "Bliss", "Dena", "Diva", "Щедрое лето", "Моя мечта", "Ролтон", "Магги", "Saodat" маҳсулот роликларида буни кузатиш мумкин. Шинам, файзли хонадон, тотув оила, фаровон турмушга орзуманд ўзбек менталитети учун мазкур тематика ютуқли саналади. Хусусан, "Saodat" конфетлари рекламаси учун танланган ғоя ҳар томонлама муваффақиятли чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур роликда куёвга конфет тутаётган келинчак иштирокидаги кадрлар йиллар мобайнида бахтли ҳаёт кечирган қарияларнинг бир-бирига ширинлик илинаётгани тасвири билан алмашган. Бундан "Saodat" конфетлари билан бошланган ширин турмуш йиллар ўтса-да, файзини, "ширасини" йўқотмайди, деган хулоса аён бўлади.

Бироқ аксарият рекламаларда тасвирланган оилаларда **ўзбекчилик** сезилмайди. Бу қаҳрамонлар қиёфасида ҳам намоён бўлади. Масалан, "Diva", «Щедрое лето» каби маҳсулотлар рекламасида мазкур ҳолат яққол сезилади. Ким билсин, балки ролик ижодкорлари замонавий ўзбек оиласи деганда айнан европалашган хонадон вакилларини тушунишар?

Сўнгги йилларда миллий реклама бозорида ҳам рақобатбардош маҳсулотлар яратилаётганини кузатиш мумкин. Хусусан, "Chocotella" шоколад пастаси ҳақидаги телевизион реклама аудитория эътирофига сазовор бўлганини эътироф этиш жоиз. Қисқа вақт ичида бутун Ўзбекистон ҳақиқий "Чокотелла" тайёрлаш сирини ўргатмоқчи бўлган болакайни чиндан-да яхши кўриб қолди. Реклама ижодкорлари роликка болаларга хос самимийлик, беғуборликни устамонлик билан жойлаштира билишган ва айнан шу омил ролик муваффақиятини таъминлади.

Шундай қилиб, телевизион реклама самарадорлиги қизиқарли сюжет, ўзига хос визуал ифода ҳамда мавзуга мос мусиқа уйғунлиги билан белгиланади. Шунингдек, рекламанинг ҳар қандай турида бўлгани каби бунда аудиториянинг миллий хусусиятларини ҳам беэътибор қолдириб бўлмайди. Зеро, бугун реклама феноменига аҳоли турмуш маданиятини шакллантирувчи омиллардан бири сифатида ёндашилаётгани мазкур соҳада ҳам миллий ва замонавий анъаналар ҳамкорлигини йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

**Гулноза НАЖМИДДИНОВА,**
**ЎзМУ магистранти**

# СУРХАЙЛНИ КЎРДИМ

Баҳорнинг ўрталари. Ён-атроф тақдирнинг ҳукмидаги одамлар билан гавжум. Кўча бўйлаб кезиб юрган шунча хаёллар, умидлар, орзулар, истаклар ҳам сершовқин шаҳарда инсонлар билан бирга ҳаёт кечиряпти.

Бугун ҳам ҳаво илиқ. Уйга етиб олишим учун яна бироз йўл юришим керак. Атрофдаги гўзаллик менга керак бўлган ўша "бироз"ни унутишимга ёрдам беради. Қуёш ҳалиям ҳар саҳар кўзини ёшлайдиган майсаларни овутиш билан банд. Қушлар барглар шивири ёрдамида тўқиган достонларини завқ билан бир-бирларига ўқиб беришдан чарчашмаяпти. Дарахтлар эса табиат дўконидан зангори рангдаги либосларни сотиб олишмоқда. Капалаклар бир кунлик умрларини қандай ўтказмоқчи эканликларини гулларга сўзлаб беряпти. Табиатдан анқиб турган ана шундай нафислик бутун вужудингизни қамраб, ихтиёрингизни сизни манзилингизга элтишни мақсад қилган қадамларингизга беради.

Бир неча одимлардан сўнг тўрт фаслда ҳам баҳайбат шохлари қуриган, мунғайиб тургувчи икки "дарахт"га дуч келаман. Улар менга табиатнинг ана шундай гўзал юзидаги беўхшов холдек туюлаверади. Ҳар сафар уларга дуч келганимда кўнглимда аллақандай ғашлик пайдо бўлади.

Ана, кўча четида елкаларига миниб олган ташвишни кўтаролмай қаддини букиб юргувчи ўша икки кампир. Уларнинг юзларидаги тармоқлаб кетган ажинларига ҳаётнинг сиғдириб ёзаётган мактубларини бемалол ўқишингиз мумкин. Одатдагидай олдиларида кичикроқ ҳажмдаги икки стол. Столлар устида эса турли хил тамаки маҳсулотлари саф тортган. Кампирлар бўлса яна жағларига дам бермай, ўзаро суҳбат қилишмоқда. Мен одатим бўйича уларнинг олдидан ўтиб кетаяпман. Шунда ҳар қандай нарсани эшитишга маҳкум этилган, ихтиёри ўзида бўлмаган қулоқларимга кутилмаганда уларнинг қуйидаги гаплари чалинди:

— Ўргилай, дуо қилиб чиқиш эсингиздан чиқмасин-а, эртага ҳал қилувчи ўйин эмиш.

— Ҳа-я, илоҳим бу ўйинда ҳам бизнинг Ўзбекистон путбулчилари ютқазишсин-да. Шунда омадимиз роса куларди-ей.

Бу гаплар суриб келаётган хаёлларимга зарб билан қўйилган нуқта бўлди. Қиз бола эсам-да, футболга болалигимдан иштиёқим баланд. Ҳар бир ўзбек фарзанди каби Ўзбекистон терма жамоасини рақиб жамоалар олдида боши эгик ҳолда кўришга тоқат қилолмайман. Кампирлардан бироз ўтиб таққа тўхтадим. Бу худди дуоибаддек мени ларзага солди. Фикримда чарх ураётган "Ахир ним учун? Нега?" деган саволлар мени кампирлар олдига қайтарди. Ҳайратга қорилган кайфиятда, ҳижолатомуз оҳангда гап бошладим:

— Кечирасиз, ўтиб кетаётиб беҳосдан гапларингизни эшитиб қолдим. Нима учун ўйинда футболчиларимизнинг мағлуб бўлишини астойдил истаяпсизлар?

Улар бир-бири билан кўз уриштириб, ҳайратомуз нигоҳларини оёғимдан бошимгача югуртириб чиқишди. Ифодасизлик акс этган юзлари бир муддат сукутда қотди. Сўнгра деярли ҳар куни шу йўлдан ўтувчи таниш қиз эканимни инобатга олишди чоғи, саволимни қизиққонликка йўйиб, лабларининг тепасини бир оз қора тук қоплагани тушунтира бошлади:

— Э, сан ниманиям тушунардинг. Ахир ушбу ўйинни деб неча минглаб одамлар бу стадионга келишини биласанми? Агар футболда бизнинг жамоа ютқазса, ўша одамлар сиқилади, асабийлашади. Ана шунда бизнинг сигаретларимизни тинмасдан сотиб олишади. Қарабсанки, уларнинг асабийлашгани бизнинг хурсандчилигимизга, жарақ-жарақ пулга айланади-қолади, — деди-ю, ҳар иккаласи қўлларини уриштирганча, қаҳқаҳа отишди. Шу вақт қаршимда Алпомишни зиндонга ташлаганидан мамнунлик билан иржайган Сурхайл кампир намоён бўлди. Ҳа, мен Сурхайлни кўрдим! Уларни бошқа ҳеч кимга менгзаёлмайман.



Ўшанда "юрт шаъни" деган тушунчани илк бор ғазабдан титраётган бутун қалбим, вужудим билан ҳис этдим. Йўлда давом этарканман ўз нафсидан бошқа нарсани ўйламайдиган бу икки қуриган дарахт — кампирларни яна нима деб аташга ожиз қолдим. Бундайлар камми, дейсиз?..

**Биби Робиаъ САИДОВА,**
**ЎзМУ ўзбек филологияси факультети IV босқич талабаси**

Саҳифани «Hurriyat» мухбирлари Ф. Жабборов, А. Жумамуродов тайёрлади.

**Мусоҳаба**

Ўзбек мусиқа оламида таниқли композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, давлат мукофоти совриндори Мустафо Бафоевнинг ўз ўрни бор. Яқинда бастакор ҳузурида бўлиб, унга бир неча савол билан мурожаат қилдик.



# БАСТАКОРЛИК

## ўқиб-ўрганадиган касб эмас

***— Мустафо ака, узоқ йиллардан бери ўз соҳангизни ардоқлаб келасиз. Айтинг-чи, давр ўзгаришлари ижодингизда қандай акс-садо берди.***

— Давр шиддат билан илдамламоқда. Зеро, глобаллашув жараёнида инсон қалбини забт этадиган асарлар яратишнинг ўзи бўлмайди. Мусиқий ҳаёт ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Жўшқин қалбларга мос кўтаринки руҳдаги мусиқалар яратилиши лозим.

Ҳозир ёшларимизда имконият, ҳаракат бор. Бу борада консерватория залларида доимий ижро этиб бориладиган жаҳон композиторлари асарлари ёшлар учун катта имкониятдир. Фақат замонавий ижодга меҳр билан, замон руҳида ёндошиб, халқимизнинг қадриятини, қалбини, руҳиятини намоён эта билиш лозим, холос.

Бастакорлар уюшмаси томонидан ёшлар ижодиётига эътибор ҳам катта. Ҳар икки йилда ўтказиладиган "Давр садолари" фестивалини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу фестивалда ҳам ёшлар ўз асарларини намойиш этиши учун имкониятлар яратилган.

Ўз ижодимга келсак, "Умар Хайём", "Севгим самоси", "ал Фарғоний" каби операларим саҳна юзини кўрди. "Ҳажнома" номли ораторияни ёздим.

***— Шу ўринда ўзингиз фаолият юритаётган Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш ижодкорларга яратиб берилаётган имкониятлар, талаба-шогирдларингизнинг истеъдодини тарбиялаш жараёнлари ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик.***

— Ҳозир консерваторияда бошқа йўналишлар қатори бастакорлик ва чолғулаштириш бўлими бор. Биз талаба бўлган даврларда атиги тўрт ёки бешта ўқувчи ўқишга қабул қилинарди. Ҳозир бу бўлимга йилига ўн бешга яқин талаба қабул қилинади. Албатта, буларнинг ҳаммаси профессионал бастакор бўлишни орзу қилади. Очиғи, касбга қизиқиш бошқа, танлаган соҳани том маънода эгаллаш бошқа масала. Бинобарин, бастакорлик ўқиб-ўрганадиган касб эмас. Аввало, одамлар қалбини, руҳиятини ҳис эта билиш, борлиқдаги оҳангларни тинглай олиш каби ноёб қобилият муносибларигина шундай бахтга муносиб бўлади. Қолаверса, ана шу ҳиссиётларни куй оҳанглари орқали бера билиш зарур. Ҳозир талабаларимиз орасида шундай қобилият эгалари йўқ эмас. Шогирдларим орасида 5-6 нафар иқтидорлилари бор. Масалан, туркиялик Эмре Сихан Калели асарлари дунё бўйлаб таниляпти. У ҳозир Швецарияда ижод қилади. Уйғур миллатига мансуб Нурбону Эмин исмли шогирдим Хитойда фаолият кўрсатяпти. Сарвар Юсупов, Елена Комарова, Жамил Чаршенов каби шогирдларимнинг фаолияти ҳам кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Айниқса, қорақалпоғистонлик Савлатбой Камоловдан умидим катта.

***— "Бастакорлик ўқиб-ўрганадиган касб эмас", деяпсиз. Шундан келиб чиққан ҳолда ёш ижодкорларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?***

— Очиқ гап, ҳозир ўртамиёна, ундан-бундан олиб куй ёзадиган (аслида уларни куй деб бўлмайди) «бастакорлар» кўпайиб қолди. Ҳар қандай ижодда ҳам ўртамиёналик ёмон иллат. Чунки ўртамиёна ижодкор кимнингдир ёлғон мақтови остида яшайди. Ундан кўра фойдалироқ бошқа иш қилган маъқул.

Бастакорнинг асосий устози унинг қулоғидир. Айниқса, ёш ижодкор қанча кўп мусиқа тингласа, кўп асарларни таҳлил қилса, муҳими, эшитганларини идрок қила билса, бу унинг ютуғи. Шу билан бирга, у ўзи яратган асарини ўзи ижро этиши катта аҳамиятга эга. Чунки асарини ўзи чалиб, таҳлил қилиб, устида изланиш олиб борса, куй шунча мукаммал бўлади.

Ёшлар жаҳон андозаларига мос асар яратишга ҳаракат қилишлари керак. Ватанни мадҳ этувчи, қадриятларимизни улуғловчи, ютуқларни намоён этувчи асарлар одамлар қалбига тез етиб боради. Шуни унутмаслик керакки, умрбоқий асарлар яратишда устозлар ўгити, уларнинг мактабларида сабоқ олиш ниҳоятда муҳим.

Шу билан бирга ҳеч қачон қийинчиликлардан қўрқмаслик керак. Масалан, ҳар бир бастакор асар ёзганда уни тингловчиларга етказишга ҳаракат қилади. Лекин бу осонликча бўлмайди. Чунки композитор истаганидек чалиш ҳамма ижрочиларнинг ҳам қўлидан келавермайди. Баъзан бирор оркестрга берган асарингиз талқини мутлақо ёқмаслиги мумкин. Ҳатто тайёр бўлган катта асарларингиз ҳам турли сабабларга кўра бир неча йиллаб саҳна юзини кўрмайди. Бундай ҳолат ҳаммада ҳам бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам ижодкор руҳан тушмаслиги, изланишда давом этиши керак.

***— Бугун қандай юмушлар билан бандсиз? Режаларингиз ҳақида гапирсангиз.***

— Консерваторияда талабаларга сабоқ бериш билан бирга ижодий ишларим ҳам давом этяпти. Ҳали айтганимдай, тезкор замонда яшаяпмиз. Давр билан бирга нафас олмасангиз, орқада қолиб кетишингиз ҳеч гап эмас. Шу маънода бугун ўзбек мусиқа санъати ҳам замон талабларидан ортда қолаётгани йўқ.

Мен ижодимда ана шу талабларга амал қиламан. Лекин асосий мезоним — миллийлик. "Шашмақом" дейсизми, халқ куйларими, уларни Европа мусиқа анъаналарига хос гармоник ёки полифоник мусиқий тафаккур билан боғлаб асар ёзаман.

Режаларим кўп. Олтинчи симфониямни яратиш ниятим бор. Баҳоуддин Нақшбандга атаб тасаввуф ҳақида бир симфония ёзмоқчиман. Хуллас, олдинда фақат ижод ва яна ижод турибди.

**Консерватория талабаси**
**Наргиза АЗИЗОВА суҳбатлашди.**

Reklama

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Объект номи:

**Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчасидаги "Ахборот-ресурс маркази" биносини Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасига мослаштириш учун реконструкция қилиш ишлари.**

*Муддати* – **01.06.2014 йил**

*Бошланғич нархи* – **672 932 096 сўм ҚҚС билан, 560 776 747 сўм ҚҚС сиз;**

Буюртмачи: **"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси**

*Манзил:* **Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, тел.: 8(373)400-52-80**

*Қурилиш ишлари:* маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларига ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 8(373)-244-55-32*

**Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офераларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уйда* ўтказилади.

**«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъулияти чекланган жамияти 2014 йил 28 январь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 4-уйда жойлашган «AVTODARYOTRANS-ILM» Давлат унитар корхонаси балансидаги 2008 й.и\ч, д\р 01/106 CCA, бошланғич нархи 16 114 132,71 сўм бўлган «ГБА СПГ ГАЗ-322132-414»; Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчаси, 76-уйда жойлашган "Тасис Ўқув" ўқув марказининг 2003 й.и\ч, д\р 01/350 MBA, бошланғич нархи 10 207 000 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар – давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар – паспорт тақдим этадилар. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: *Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин. Алоқа телефони (+998 93) 388-69-96, электрон почта: tkos-mail@inbox.ru*

*Гувоҳнома №005414-05*

Шунингдек, 2013 йил 20 декабрь куни ўтказилган аукцион савдолари натижасига кўра, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси балансидаги д\р 01/979 ХВА бўлган «Нексия» – 19 400 000 сўмга ва 01/277 ЕВА бўлган «Нексия» – 17 600 000 сўмга; д\р 01/315 КСА, бўлган «Матиз» — 10 700 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**Қусур**

# ЭСИЗ ҚОҒОЗ, ЭСИЗ МЕҲНАТ

## яна ношир ва ноширчилик ҳақида

Инсон ҳамиша янгиликка интилиб яшайди. Айниқса, ҳозирги тезкор даврда замон янгиликларию, кашфиётларидан хабардор бўлиш тиббиёт ходимлари учун жуда зарур. Бу борада турли олимлар ва муаллифларнинг янги китоб ва рисолалари бизга ёрдам беради. Яқин кунларда ана шу мақсадда китоб дўконларини ораладим. Китобларнинг бежиримлиги, турли расмларию, нақшинкорлиги кўзингизни олади. Аммо уларнинг айримларини ўқиб, қанийди, ичида ёзилганлари ҳам муқовасига мос бўлса, эсиз бунга кетган қоғоз-у, меҳнат дейсиз. Ушбу танқидий мақола шундай рисолалардан бири ҳақида.




Мана қўлимда 2012 йил "Муҳаррир" нашриётида чоп этилган, 80 саҳифадан иборат "Саратон касаллиги" китобчаси. Унинг муаллиф ва тузувчиси Асрор Самад, А. Деҳқон муҳаррирлик қилган, И. Нуруллоҳ саҳифалаган.

Муаллиф эътирофича, ушбу рисола энциклопедиялардан олинган материаллар асосида тайёрланибди. Китобчани варақлаб туриб, уни тиббиётга мутлақо алоқаси бўлмаган одамлар тайёрлаганига амин бўласиз. Рисоладаги 240 га яқин хато (имловий, грамматик, стилистик, луғавий)ларни ва эътирозли жумлаларни кўриб, тепа сочингиз тикка бўлиши аниқ.

Аввaламбор, ҳурматли тузувчи, муҳаррирлар шуни билиб қўйишлари керакки, тиббиёт бир жойда қотиб қоладиган соҳа эмас. Маълумотларга қараганда, ҳар 15 йилда мазкур соҳада 10 фоизгача ўзгаришлар юз беради. Янги дорилар, касалликлар сабаблари ҳақида назариялар, даволаш усуллари пайдо бўлади, нисбатан самараси кам, эски усуллардан воз кечилади. Ушбу рисолани тузувчилар эса 20-30 йил муқаддам чоп этилган эски манбалардан кўчирганлари аён бўлиб турибди. Шу ўринда, рисоланинг "Саратон касаллиги" деб номланишига ҳам эътироз бор. Бинобарин, ўсмаларнинг ҳаммаси ҳам саратон (рак) дейилмайди, уни фақат эпителийдан чиққанларигина рак саналади. Бугунги кун онколог мутахассислари ўсмаларни ёмон сифатли ва яхши сифатли ўсмалар тоифасига жуда тўғри ажратганлар. Шундан келиб чиқиб, рисоланинг номи "Ёмон сифатли ўсмалар", дейилганида анча тўғри бўларди.

Назаримизда рисола муаллифлари мақсаддан чалғиб, ёмон сифатли ўсмалардан кўра бошқа терапевтик касалликлар хусусида маълумотларни кўпроқ (мастопатия, бронхопневмония, панкреатит ва ҳоказо) келтирганлар. Рисолани варақлар экансиз, ҳар саҳифадаги кетма-кет имловий хатоларни кўриб, таажжубингиз ошиб бораверади. Масалан, 3-бетда карцинома-корциома, ўсма эса ўсимта тарзида битилган (ўсимта русчада отросток дейилади). Тиббиётдан бутунлай бехабар шахслargина ўсмани ўсимта билан бир нарса деб ўйлашлари мумкин. Шунингдек 4-бетда "**ораганизм** ичида содир бўладиган эндоген (ички) канцероген моддалар" деган жумла бор. Канцероген моддалар содир бўлмайди, балки пайдо бўлади. Шу бетда "Кўпинча саратон касаллик нишонаси деб аталиб сурункали патологик ўзгаришлардан сўнг ривожланади" жумласини тушуниш, нима демоқчилигини билиш қийин. Тузувчи танада энг кўп ишлайдиган аъзо — лаблардир, дейди, нимага асосланиб бундай деганига асло тушунмадим. Ҳатто тиббиётдан анча бехабар инсон ҳам юрак, нафас ва меъда-ичак тизими энг кўп ишлайдиган аъзолар эканини жуда яхши билади. Хўш, унда қандай қилиб лаблар энг кўп ишлаши мумкин? Шунингдек "сезим" эмас, балки сезги, (7-бет), пристальтика эмас, перистальтика, қилтамоқ эмас, қилтомоқ (8- бет), қизил ўнгач эмас — қизилўнгач (8-бет) тарзида ёзилиши лозим. Тассуфки, бу каби хатоларни ҳар битта саҳифада учратасиз.

9-бетдаги "ичакларда, ошқозонда, ўн икки бармоқли ичакларда" деган жумла менга жуда эриш туюлди. Чунки, ўн икки бармоқли ичак одамда битта бўлади, ахир. Муаллиф уни кўпликда ёзади, шунингдек, ўн икки бармоқли ичак алоҳида аъзо эмас, меъда ичак тизимининг бир қисми, холос, уни ичакларда ва ўн икки бармоқли ичакда дейилиши тузувчининг анатомиядан мутлақо бехабарлигини билдиради. Рисоланинг энг кулгили жойи шундаки, 11- бетда "меъда сиғими янги туғилган чақалоқда 20-30 миллиграмм, ўрта ёшли одамиларда (айнан одами) 1-3 литр" деб кетилган. Муҳтарам тузувчи, майли анатомияни билмас экансиз, аммо вазн ва ҳажмлар ҳақида ҳам саводингизнинг думи хуржунда экан-ку! Ахир 20 мг. дегани бу бир граммнинг 50 дан бир қисми дегани-ку? Буни фақат микроскопдагина кўриш мумкин, холос, чунки 1 грамда 1000 мг. бўлади. Бунақа микроскопик ошқозон билан чақалоқ қандай озиқланади? Ваҳоланки, янги туғилган чақалоқ бир эмишда 30 мл. гача сут эма олади.

Агар одам анатомияси ва физиологиясини яхши билган шифокор томонидан битилганида «меъданинг тоник қисқариши узулуксиз давом этади" деган жумлани қўлламаган бўларди. Нега деганда, меъда-ичак тизимининг перистальтикаси узлукли жараён бўлиб, катта ёшли одамларда ҳар 45-60 сонияда, янги туғилган чақалоқларда эса 20-30 сонияда такрорланиб туради (15 бет). Тузувчи шу бетда "тўғри ичакни йўғон ичак ҳам деб аташади" деб одам анатомиясини мутлақо билмаслигини аён қилади. Ваҳоланки, тўғри ичак йўғон ичакнинг охирги қисми бўлиб, ундан ташқари сигмасимон, тушувчи, горизонтал, кўтарилувчи чамбар ичаклар ва кўричак қисмлари мавжуд. Шу билан бирга ҳажм сантиметрларда эмас, балки сантиметр куб ёки метр кубларда белгиланади (17-бет). 23-бетда "сут қалқонсимон без таъсирида ишлаб чиқарилади деб ёзилган. Маълумки, қалқонсимон без гормонлари сут ишлаб чиқишда бевосита иштирок этмайди. Тузувчи «ҳозирги пайтда операция янги-лапароскоп аппарати ёрдамида ўтказилади", дейди. Тиббиёт тарихидан бехабар одамнинг гапи бу, нега деганда лапароскопик ускуналарни ишлатиш бошланганидан буён 60 йилдан ортиқ вақт ўтмоқда.

Энг ачинарлиси шундаки, 32-бетдан кейин яна 17-24 бетлар такрорланади ва 24-бетдан кейин ҳеч қандай изоҳсиз 57-бет бошланиб кетади. Тиббий атамалардан мутлақо бехабар тузувчи 58-бетда «панкреатитни — меъда ости бези", колитни эса йўғон ичак, маститни эса "кўкрак, сийна", мастопатияни — азобланиш деб нотўғри ёзган. Таассуфки, панкреатит атамаси мазкур безнинг ўзини эмас, балки яллиғланишини англатади. Шунингдек, колит ҳам йўғон ичак дегани эмас, балки унинг яллиғланиши деганидир. Мастит ҳам кўкрак безининг яллиғланишидир. 49-53-бетлар рус тилидан чалакам-чатти ўгирилган бўлиб, бу саҳифаларда онколог шифокорлар ҳам тушунмайдиган, тиббий атама ва ғализ жумлалар жуда кўп. Ахир, кенг омма учун мўлжалланган рисолага уларни киритишдан нима фойда? Тузувчининг ўзи бирор нарса тушундимикан? Мен, чорак асрлик илмий, тиббий, амалий, педагогик тажрибага эга шифокор бўла туриб, ҳеч нимани тушунмадим! Хусусан, оддий китобхон учун протоонкоген, транслокация, хромосома канцерогенез, апоптоз, ретинобдастоми каби тиббий атамаларнинг нима кераги бор? Бу қурама маълумотлардан кейин муаллиф ҳеч уялмасдан "Шундай қилиб ўсмаларнинг нима эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиб олдик" дейди. Хўш, нимани билдик, умуман. Бу материаллардан тузувчининг ўзи бирор нарсани билиб ололдимикан? Ярми русча, қолаверса имловий нуқсонлару, атамаларнинг хатолигидан иборат бундай китобдан ўқувчи бирор нимани ўрганишига ҳеч кўзим етмайди.

Чорак асрдан буён замонавий медицина ва халқ табобатини уйғунликда қўллаб келаётган шифокор сифатида таклифим шуки, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси қошида ҳар бир соҳа вакиллари иштирокида нуфузли комиссия тузилса. Медицина ва халқ табобатига оид чоп этилаётган ҳар қандай китоб, рисола мазкур комиссия томонидан кўриб чиқилиб, кейин нашр этилишига рухсат берилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Зотан, ҳар бир муаллиф китоб чиқаришдан олдин унинг масъулиятини ҳис этиши зарур. Айниқса, инсон саломатлиги ҳақида сўз кетганда бу масъулият икки ҳисса ошиши турган гап.

**Алижон ЗОҲИДИЙ,**
**Тошкент Тиббиёт академияси доценти, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

**Талқин**

# ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОИЙ ТИЛИНИНГ

## жаҳоншумул уч ғалабаси

Соҳибқирон Амир Темур марказлашган мустақил давлатни барпо этгач, мамлакатда она тили тараққийси ва сиёсий-маънавий, бадиий ҳамда ахлоқий қарашлар янги, юксак тарихий поғонага кўтарилди. Шу жараёнда она тилимизда жаҳоншумул асарлар яратишга қодир улуғ сўз санъаткорлари ҳам етишиб чиқди. Бундай зотларнинг пешқадами ҳазрат Алишер Навоий эди.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида жуда чиройли таърифлаганидек, Навоий ҳазратлари «Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир».





Илмий жамоатчиликка яхши маълумки, Алишер Навоий туркийда, яъни ўзбек тилида етук асарлар ижод қилишдан иборат эстетик жараённинг, айни чоғда шарқона хамсанавислик (беш достондан иборат асар) анъанасини давом эттирган беназир сўз санъаткоридир.

Қудратли давлат, озод жамиятнинг кучи ва бунёдкорлик салоҳияти маърифат, маънавият ва ижод соҳаларида Амир Темур ва темурийлар салтанати даврида, Яратганнинг қутлуғ иродаси ила фавқулодда юксак довонларни забт этди. Бу ҳақда «Хамса»га кирган «Ҳайрат ул-аброр» достонида Навоий шундай мисраларни битади:

*Маърифатинг ким қила олмай сифат,*
*Қилдинг ани орифи ул маърифат.*
*Сендин алар жунбишу ороми ҳам,*
*Ўйлаки, ижоди ҳам, эъдоми ҳам.*

Дарҳақиқат, миллат ўз мустақил қиёфасини, ўз она тилининг бой нафосатини жаҳонаро намойиш этмоғи эндиликда ижтимоий, миллий, мафкуравий, эстетик ва бадиий заруратга айланиб бўлган эди. Бу шарафли, тарихий эҳтиёжга Алишер Навоий «лаббай» деб жавоб берди. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Амир Темурнинг бадиий ва эстетик қарашларини алоҳида таъкидлаб, соҳибқирон гарчи шеър ёзмасаларда умуман бадиий ижодга, хусусан, назмга, яхши шеърларга жуда эътиборли бўлганликларини таъкидлайди.

Соҳибқирон Амир Темур, унинг фарзандлари, набиралари, айниқса, Мирзо Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаролар Навоий ижодига илҳом бахш этганлиги «Фарҳод ва Ширин» достонида алоҳида қайд этилади.

*Темурбек наслидин султон Улуғбек*
*Ки олам кўрмади султон анингдек.*
*Расадким боғламиш зеби жаҳондир,*
*Жаҳон ичра яна бир осмондир.*

Навоий жаҳон ичра жаҳонлар яратган Соҳибқирон Амир Темур ва Улуғбекнинг юксаклигига муносиб, яъни бу улуғ сиймолар эстетикаси ва этикасига ярашадиган улуғвор асарлар яратиш учун бел боғлади, қалам тебратди.

Атоқли шоир Мақсуд Шайхзода «Мирзо Улуғбек» номли трагедиясида буюк бобомиз ўз фуқароларига «Темурийлар давлатига иззат келтиринг», «Томиримда оқар экан Темурнинг қони» сингари иборалар билан мурожаат этади. Бу пурҳикмат гаплар бобоси Соҳибқирон Амир Темур заковати ва сиёсатига, иймони ва эътиқодига Мирзо Улуғбек садоқатининг ёрқин инъикосидир. Яна бир илмий ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш зарурки, шеърий ижодга мойил бўлиб шеърлар ҳам ёзгани Мирзо Улуғбек истеъдодининг кўп қиррали эканини кўрсатади. Бинобарин, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаролар давлатининг енгилмас қудрати она халқимизнинг олмос заковати ҳамда тилимизнинг мафтункор таровати ҳазрат Алишер Навоийнинг жаҳоншумул ижодида, унинг эстетикасида ўз инъикосини топди. Ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиётининг асосчиси ҳазрат Алишер Навоий томонидан 1483-1485 йилларда яратилган «Хамса» улуғ мутафаккирнинг, айни чоғда ўзбек тилининг ҳам буюк ғалабасидир.

Атоқли сўз санъаткори Пиримқул Қодиров ўзининг «Тил ва эл» номли ғоятда бой ва гўзал асарида асосли равишда ёзганидек, Алишер Навоий ўз донишмандона ижоди, хусусан, шоҳ асари «Ҳамса» билан ўзбек адабий тилига асос солди ва она тилимиз нафосатини юксак поғонага кўтарди.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодининг иккинчи энг муҳим жаҳоншумул ғалабаси 1495 йилда яратилган туркий (яъни ўзбек) ва форс тилларини муқояса усулига асосланиб адо этилган «Муҳокамат ул-луғатайн» асаридир. Ҳазрат Навоий бу асарида қиёсий-таҳлилий, лингвистик-эстетик усуллар билан она тилимизнинг бой фазилатларини тадқиқ этиб берган.

Аллома адибимиз Ойбек «Навоий» романида аниқ ва чиройли ифодаланганидек «Мухокамат ул-луғатайн» асарида ҳазрат Алишер Навоий она тилимизнинг «қудратини, ҳуснини, бойлигини» исбот қилди. Мухтасар айтганда, Алишер Навоийнинг бадиий, илмий, тарихий асарларида маънавий умумийлик ва хусусийлик, мантиқ ва моҳият, инсон ва иймон, равнақ ва таназзул, эзгулик ва гўзаллик, садоқат ва саодат, уйғунлик ва зиддият, лафздошлик ва товушдошлик сингари тушунчаларнинг ўзаро диалектикаси ёрқин ифодасини топгандир.

Ҳазрат Навоий тилининг учинчи тарихий ғалабаси мамлакатимиз миллий мустақилликка эришмаган бир шароитда, яъни 1989 йил 21 октябрда Юртбошимиз Ислом Каримов жасорати билан қабул этилган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонундир. Мазкур қонун республикамизда ижтимоий-сиёсий вазият ғоятда кескинлашган бир даврда, яъни қизил салтанатнинг қонли қиличи ҳали бошимиз узра ўқталиб турилган таҳликали бир шароитда қабул қилинди.

Тилимизга давлат тили мақоми берилгани тўғрисидаги бу қонун соҳибқирон Амир Темурнинг мустақил давлат тилига доир эстетик идеалининг, айни чоғда ҳазрат Навоий тилининг учинчи тарихий ғалабасидир.

Мазкур қонунда мужассамлашган мустақил давлатимизнинг маънавий, мафкуравий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий ва бошқа тамойиллари бугунги тезкор равнақимиз жараёнида рўйирост намоён бўлмоқда.

Халқимизда «Тилга эътибор — элга эътибор» деган чиройли ҳикмат бор. Бу мақол ҳазрат Навоий адабий-бадиий қарашлари, эстетикаси ва этикаси билан ҳам ҳамоҳангдир. Давлатимиз раҳбари ўзининг «Замонавий кадрлар — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» номли маърузасида тилга ҳурмат юксак маънавият талаби эканини уқтириб, шундай дейди: «Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватан ва халққа садоқат белгиси эмасми?» Бу доно фикрдан аёндирки, тилга ҳурмат — элга ҳурматдир, тилга садоқат Ватанга, халққа, истиқлолга садоқатдир.

**Маҳмуджон НУРМАТОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Мутолаа**

# ФИКРДАН ФИКР УНАР

Китоб шундай мўъжизаки, бир неча йиллардан сўнг ҳам, ҳатто асрлар ўтса-да, унинг лаззатини туйиш, ҳис этиш мумкин.




Ўзининг "Уйқу келмас кечалар" романи, "Биз ким ўзбеклар" монографияси, "Миллат овози", "Маъмун академияси", "Ёруғлик", "Ҳастимом хотиралари" каби ўнлаб асарлари билан элга танилган ёзувчи, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, драматург, публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг навбатдаги китоби — "Шиорнинг моҳияти нимада?" ўқув қўлланмаси бундан икки йилча муқаддам чоп этилган. Китоб моҳиятан "2012 йил — Мустаҳкам оила йили"га бағишланган. Бироқ...

Уни мутолаа қилар экансиз, муаллифнинг воқеликка муносабати, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда келар йилларга муносиб ном бериш ва тегишли дастур ишлаб чиқилиши анъанага айлангани, ҳар йили маълум бир мазмун ва эътиборга молик бўлган шиорнинг ўртага ташланиши улкан бунёдкорлик ишларига асос бўлаётгани ҳақидаги фикр ва мулоҳазалардан шуурингиз тиниқади, қувват олади. Жамиятнинг онгли бир аъзоси сифатида ўзингизда ҳам юртга дахлдорлик ҳисси ошади.

"Аввало, шуни эътироф этиш керакки, — дейди муаллиф кириш сўзида, — мухтарам Юртбошимизнинг барча фармон ва қарорлари гўё маънавий зинапоя сингари бир-бирига ёндош бўлиб, жамиятни юксалтира бормоқда, бу юксаклик келажаги буюк Ўзбекистондир! Келажаги буюк давлатни бунёд эта бориш — давомли жараён. Бинобарин, "Ўзбекистон келажаги буюк давлатдир!" шиори юртимизда яшовчи барча аҳолининг бош шиоридир..."

Бундай содда ва самимий талқин, ёзувчининг мазкур шиор моҳиятини ўқувчи онгига моҳирона етказиш санъати китобнинг ўқишлилигини таъминлаган. Муаллиф мазкур қўлланмада давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг соғлом авлоднинг шаклланиши бевосита она саломатлигига чамбарчас боғлиқлиги, умуман олганда, аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш, оилада соғлом муҳитни қарор топтириш орқалигина жамият тараққиётига эришиш мумкинлиги ҳақидаги фикрларига уйғун равишда иккита — "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2009 йил 13 апрель) ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорларининг (2009 йил июль) мазмун-моҳиятини шарҳлаб беради.

Мазкур ўқув қўлланма кириб келаётган "2014 йил — Соғлом бола йили"да ҳам ўз аҳамиятини сақлаган ҳолда, барча маънавият ва маърифат ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари, маҳалла фаоллари, умуман китобхонларни хушнуд этиши, шубҳасиз.

**Жўрахон ХЎЖАЕВА,**
**ўқитувчи**

**Руҳият**

Бу юксак баҳога ҳамма шоир, адиб, олимни ҳам бирдек муносиб деб бўлмайди. Бир неча тилни, энг аввало, она тилини чуқур эгаллаган, "эгарлаган", унинг бойликлари, назокати, таровати, товланишларидан кенг хабардор, сўзни ўз ҳукмига тўлиқ бўйсундирган, соққадай ўйнатадиган санъаткорларгина энг юксак таърифга лойиқдирлар.

# СЎЗ ЗАРГАРИ, ТИЛИМИЗ ЖОНКУЯРИ



Буюк шоирларимиз Навоий, Бобур, Машраб, улуғ алломалар Кошғарий, Замахшарийлар шундай зотлардандир. Қолаверса, яқин тарихимизда яшаб ўтган Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод каби адиблар, Озод Шарафиддинов, Ғайбулла Саломов, Иброҳим Ғафуров, Умарали Норматов каби олимларнинг гўзал, латиф асарлари хотирамизда бирма-бир жонланади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ҳам гўзал, пурмаъно бадиий асарлари, қойилмақом таржималари, тилга, сўзга оид илмий, публицистик мақолалари, мароқли суҳбатлари билан маданиятимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган фаол ижодкорлардан. Эркин аканинг ижоди, фаолияти, шахсияти ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган, рисола, китоблар ёзилган, ғазаллари ҳофизлар репертуаридан кенг ўрин олган бўлса-да, уларнинг яна бир катта хизмати — тилимизга оид илмий-публицистик мақола, нутқ, суҳбатлари, изланишлари, жонкуярликлари алоҳида мулоҳаза юритишга лойиқ. Тадқиқотчиларининг ёзиши, ўзларининг эслашича, болалигидан китобга, ёзув-чизувга меҳр қўйган, қўлига тушган бадиий, илмий, таржима асарларни ўқиб ташлайверган, мактабда ҳамма фанларни бирдек пухта ўзлаштирган бўлса-да, тил, адабиётга иштиёқи ўзгача бўлган, сўзни яхши ҳис қилиши боис шеър ёзишга эрта киришган. Факультет деворий газетасида домласи Ёқуб Ғуломга "Тилимизда вотти-вотти, аста-секин йўқолвотти", дея ҳазил сатрлар бағишлашиёқ талабанинг синчковлиги, талабчанлигидан нишона эди. Ўша кезларда ёзилган "Қаро қошинг, қийиқ қайрилма қошинг, қиз", — деб, сўзлари фақат "қ" ҳарфи билан бошланувчи ғазали, "Олма" ва бошқа тизмалари шеър техникасини пухта эгаллаётгани, теран мазмунни чиройли шаклда ифодалашга интилаётгани, асардан асарга ўсиб бораётгани далолати эди. Шоирнинг ўқувчиларга тандирдан энди узилган нондек тақдим этган ҳар бир шеър, достон, драма, мақола, таржималари (айниқса, танқидчилик ўз вақтида, тезкор муносабат билдирган, юқори баҳолаган "Ёшлик девони", "Нидо", "Руҳлар исёни" достонлари, ғазаллар шарҳи, "Тирик сайёралар" туркуми, "Шоиру шеъру шуур", "Изтироб" китоблари, ўзбекчага ўгирилган "Доғистоним", "Фауст", "Форс тароналари" ижодий камолоти, бадиий маҳорати бобида янги босқич, ўзига хос чўққи эдики, бу кўп жиҳатдан асар тили устида жиддий ишлаш, сўз уммонига чуқур кириб бориш, бетиним изланиш, топиш самараси эди.

"Сўз дурлари термоқдир ишим" — шоирнинг қутлуғ мақсади, эстетик кредоси, бутун ижоди — бунинг исботи. Шеъриятида бевосита тилга, сўзга бағишланган тизмалари (масалан, "Она тилим ўлмайди" (1976), "Ильза хоним" ва ҳоказолардан ташқари, уларга билвосита дахлдор, алоқадор сатрлари анчагина "Ўзбек бўлиш осон эмасдир" шеърида халқимизга хос кўплаб фазилатлар ичида бирини алоҳида таъкидлайди:

*Неча бўлиб йўқликка маҳкум,*
*Тилдан, диндан бўлмаган маҳрум.*
*Синиб, сингиб кетмаган мардум —*
*Ўзбек бўлиш осон эмасдир.*

Эркин Воҳидов ҳақидаги бир рисолада "у сўзни соққадай ўйнатади", — деган мақтов ибора ишлатилган. Бу — асло муболаға эмас. Мана, шоирнинг икки сатри:

*Қалбга гар истарсан ором,*
*бўл ёмон сўздан йироқ,*
*Карвалол ичмоқ керакмас,*
*кар ва лол бўлмоқ керак.*

"Шахмат абадийдир, шеър ҳам абадий" мақоласида Навоийнинг "Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, нетонг, Ростровлар арсадин гар чиқсалар руҳдек қироқ" мисраларини шундай теран таҳлил этиб, тагдор маъноларини чақиб берадики, бу мумтоз шеърият ва қадимий ўйиндан чуқур хабардор кишининггина қўлидан келади.

Бир неча йил муқаддам ўша кезлар Пушкин кўчасида жойлашган ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда Эркин Воҳидов бир ҳазил шеър ўқиганди. Нотиқ нашриётга раҳбарлик қийин, серғалва ишлиги, ҳамманинг ҳам кўнглини топиб бўлмаслигини айтиб шундай кулгили, беғараз сатрлар ўқиб берганди.

*Ихтиёр Ризо,*
*Бахтиёр Ризо,*
*Москвалик Николай Доризо*
*Бари мендан норизо*
*Мен — директорман!*

Ёки самолётда тўқилган ушбу тўртликни олинг:

*Сафар чоғи тайёранинг дилбар келини*
*Кўк юзини барчамизга тахти сулаймон қилди*
*Лекин эълон ўқиганда ўзбек тилини*
*Давлат тили бўлганига пушаймон қилди.*

Эркин Воҳидов табиатига хос юмор туйғуси ижодига ҳам кўчган. Майин, беозор кулги асарларини янада мароқли қилган (лоақал "Донишқишлоқ латифалари"ни ёхуд "кексалик гаштини сураётган" отахоннинг дил изҳорини эслайлик). Билса-ҳазил, билмаса-чин мақомидаги майин, беозор, бирда юмшоқ, бирда қаттиқ юмор шеър, ғазаллари, достонлари, драмалари, мақолалар аро сочилиб ётгандай туюлса ҳам аслида мақсадни, ғояни бирлаштириб, узвларни "елимлаб" туради.

Шоир буюк бобокалонимиз ижодини кенг, чуқур ўрганиш замони келганидан бениҳоя шод, хуррам, Навоий ғазалларига мухаммаслар басталайди, шарҳлар ёзади, ёш дўстларига насиҳат қилади, огоҳ этади:

*Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,*
*Олтин бошнинг калла бўлгани шудир.*
*Бедил қолиб Демьян Беднийни суйса,*
*Қора сочнинг малла бўлгани шудир.*

Яйраб, ёйилиб, тўлиб ёзишга, дил тўрида, тил учида турган дард, муаммо, фикр-мулоҳазалар, орзу-армонлар, изланиш-кузатишларни бемалол ифодалашга кенг майдон очиб берадиган жанр илмий-бадиий публицистикадирки, Эркин Воҳидов унинг имкониятларидан унумли фойдаланиб келмоқда. "Шоиру шеъру шуур", "Изтироб" китоблари, матбуотдаги мақола, суҳбатлари, эфир, экран, учрашувлардаги чиқишлари бунинг далили. Ўтган аср саксонинчи йиллар адоғи, тилимиз тақдири, муаммолари ҳақида гаплар айни қизиган кезларда Эркин Воҳидов маънавиятимиз жонкуяри, моҳир публицист сифатида ҳам фаоллик кўрсатди.

Шоир Америка, Канадага сафарлари чоғида тақдир тақозоси билан узоқ замонлар у ёқларга бориб қолган ватандошларимиз ўз тилларини, урф-одатларимизни сақлаб қолганликлари, фарзандлари, набираларини ҳам шунга ўргатишгани, ёшларнинг аксарияти 5-6 тилда бемалол гаплашишларини кўриб хурсанд бўлади, ҳаваси келади, ўзимизнинг йигит-қизларимиз ҳам кўп тилларни эгаллашларини орзу қилади (истиқлол йиллари бу орзу амалга ошаётгани гувоҳимиз).

Шоирнинг Н.Каримов, У.Норматов, Н.Отахонов, Н.Муҳаммад, Қ.Очилов, Ш.Отабек, Ш.Жабборов ва бошқалар билан суҳбатлари, мақолалари, шеър, ғазаллари шарҳида ҳам тилга эътибор, сўз масъулиятига оид муҳим фикрлар ибратли мисоллар кўп учрайди. Муаллиф истиқлол йилларида "Она тилим", "Тирик хазина", "Сўз-забаржад..." номли салмоқли тадқиқотлар билан чиқди. Ардоқли шоиримизнинг замонавий "Муҳокамат ул-луғатайн"и ёхуд Навоий тадқиқотига насрий мухаммаси алоҳида мақола, рисола мавзусидир.

**Саиди УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,**
**"Олтин қалам" совриндори**

**Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши**

*юртдошларимизни кириб келаётган Янги 2014 йил – Соғлом бола йили билан самимий муборакбод этади!*

Янги йилда эркин ва обод Ватанимиз равнақи, эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишларда барчангизга янги зафар ва муваффақиятлар ҳамда омад тилаймиз.

Диёримиздаги барқарор тинчлик ҳамда хотиржамлик, фаровонлик ва файзу барака абадий бўлсин!

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

**Сизларни яқинлашиб келаётган Янги 2014 йил билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

«ЯНГИ ЙИЛ 2014»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

***Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин***

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Сизнинг омонатларингиз:**
- соliқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

**"Асака" банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

Хизматлар лицензияланган

**Келинг, бир кулишайлик**

## Немис хандаларидан

Янги йил оқшоми. Мижоз ресторан хизматчисини ҳузурига чорлади:

– Жаноб официант, нега бизнинг столимиз атрофида биттаям стул йўқ?

– Тўғри, – деди официант, – ахир сиз битта столга буюртма бергансиз-да!

***

Янги йил дастурхони учун харажат қилиб қайтган хоним эрига деди:

– Фрид, табрикномани жўнатиш учун марка сотиб олишимга берган пулингни ишлатмадим, қойилмисан?

– Нега?

– Почтага борсам, одам кўп экан. Табрикномани ҳеч кимга кўрсатмай почта қутисига маркасиз ташлаб юбордим.

***

Янги йил байрамини кутиб олиш учун Дрездинга, дугонасиникига таклиф этилган, биринчи марта самолётга чиққан хоним деразадан пастга қаради:

– Вой, буй, ойим тўғри айтган экан. Одамлар худди чумолига ўхшаб кўринади-я?!

Унинг ҳаяжонланаётганини кўрган стюардесса ҳам ёнига келиб деразадан қаради-да:

– Хотиржам бўлинг, хоним, кўраётганингиз ҳақиқатан ҳам чумолилар. Самолёт ҳали ҳавога кўтарилгани йўқ.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Телефонлар: 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел: 233-36-02.
Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон — (+99891)-384-41-61,
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — (+99894)-262-25-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Навбатчи: Акмал Жумамуродов

Адади: 4272 Буюртма — J-8804 1 2 3 4 5